



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 23 » июнь

№ 402

Toshkent sh.

**Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул
кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун
тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда
Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши
бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва ракамли иқтисодиётни
ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”
2020 йил 2 мартағи ПФ–5953-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, хотин-
қизларнинг олий таълим муассасаларида таҳсил олиши учун янада кенг
имкониятлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагиларни назарда тутивчи Олий таълим муассасаларига хотин-
қизларни қўшимча давлат гранти асосида қабул қилиш кўрсаткичлари
доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва ўқишга қабул
қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ
тасдиқлансан:

олий таълим муассасаларига хотин-қизларни қўшимча давлат гранти
асосида қабул қилиш кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун
тавсиянома бериш;

олий маълумот олиш истагида бўлган иқтидорли хотин-қизларнинг
танловда иштирок этиши учун тавсиянома олишга қўйилаётган мезонларни
белгилаш;

қўшимча давлат гранти асосида танловда иштирок этиш мумкин бўлган
таълим йўналишлари бўйича таклифларни ишлаб чиқиши тартиби;

республика олий таълим муассасаларига ажратилган қўшимча қабул
кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома олувчи
талабгорларни танлаш бўйича ишчи гурӯҳ фаолиятини ташкил этиш ва
ижтимоий мезонлар бўйича кўриб чиқиши.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори
(Ўзбекистон Республикаси КТ, 2017 й., 6-сон, 108-модда) билан тасдиқланган
Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга куйидаги мазмундаги 10^9 -банд қўшилсан:

“10⁹. Республика олий таълим муассасаларига умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан хотин-қизлар учун қўшимча давлат гранти асосида қабул кўрсаткичлари ажратилади.

Давлат гранти асосидаги қўшимча қабул кўрсаткичлари бўйича талабаликка Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг белгиланган шаклдаги тавсияномаларига эга бўлган абитуриентлар тест синовлари натижаларига мувофиқ қабул қилинади”.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев, Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Р.Т. Маматов ва олий ва ўрта маҳсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “23” июндаги 402-сон қарорига
илова

**Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги
қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок
этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишига қабул қилишни
ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишига қабул қилишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Республика олий таълим муассасаларига ажратилган қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида олий маълумот олиш истагида бўлган иқтидорли хотин-қизларнинг танловда иштирок этиши учун тавсиянома куидаги мезонлардан бири асосида берилади:

кам таъминланган оиладан чиққан хотин-қизлар;

тўлиқсиз оилада тарбияланаётган, яъни ота ёки онаси вафот этган хотин-қизлар;

14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ фарзандларни тарбиялаётган, бошқа қариндошларидан алоҳида яшаётган ёлғиз аёл (эркак)ларнинг қизлари;

шахсий уй-жойга эга бўлмаган, ижарада яшаётган оилалар;

ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш қидиувчи шахс сифатида аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларида хисобда турганлар;

ногиронлиги бўлган фарзанди бор оилалардан чиққан хотин-қизлар;

олий маълумотли хотин-қизлар билан қамраб олиш даражаси республиканинг ўртача кўрсаткичларидан икки ёки ундан ортиқ маротаба паст бўлган туманлар, шунингдек, олис ва бориш қийин худудларда яшовчи оилалардаги қиз фарзандлар (уларни ўз худудида З йил ишлаш шарти билан).

3. Хотин-қизларнинг республика олий таълим муассасаларига ажратилган қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома мазкур Низомга 1-иловадаги шаклга мувофиқ берилади.

4. Тавсиянома бланкалари “Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида тайёрланган қатъий хисобда турувчи ҳужжат ҳисобланади, хисоб серияси, рақами ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

5. Тавсиянома мазкур Низомга 2-иловадаги схема бўйича олий маълумот олиш истагида бўлган хотин-қизларга уч йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

6. Тавсиянома ажратилган қўшимча тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида абитуриент сифатида рўйхатдан ўтишида танлаган биринчи таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиш ҳукуқини беради, иккинчи ва ундан кейинги олий таълим олиш учун танловда иштирок этишга нисбатан татбиқ этилмайди.

7. Республика олий таълим муассасаларига кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан хотин-қизлар учун қўшимча тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари (кейинги ўринларда – қўшимча қабул кўрсаткичлари) ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисидаги тегишли қарори қабул қилинганидан сўнг икки хафта муддатда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси) томонидан республика худудлари кесимида тасдиқланади.

8. Кўшимча қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этувчилик тоифасига умумий ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатга ва Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги томонидан ушбу Низомга мувофиқ берилган тавсияномага эга хотин-қизлар (кейинги ўринларда – тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар) киради.

2-боб. Ишчи гурух фаолиятини ташкил этиш

9. Тавсиянома бериш масаласини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Икътисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раҳбарларининг тегишли масалалар бўйича ўринбосаридан иборат таркибда ҳар йили февраль ойида Хотин-қизларга тавсиянома бериш бўйича ишчи гурух (кейинги ўринларда – Ишчи гурух) тузилади.

10. Ишчи гурух аъзолари жамоатчилик асосида ишлайди.

11. Ишчи гурух унинг ваколатларига тегишли масалаларни Ишчи гурух раҳбари бошчилигига ўтказиладиган йиғилишларда кўриб чиқади.

12. Ишчи гурух раҳбари:

ишчи гурухнинг умумий фаолиятига раҳбарлик қиласи ва фаолияти устидан доимий назоратини таъминлайди;

ишчи гурухнинг йиғилишларини чақиради ва уларда раҳбарлик қиласи;

ишчи гурух ваколатига тегишли бўлган масалаларни унинг йиғилишида кўриб чиқиш учун киритади;

ишчи гурух баёнларини тасдиқлайди.

13. Ишчи гурухнинг барча йиғилишлари баённома билан расмийлаштирилади.

14. Ишчи гурух ишининг ташкилий шакли йиғилиш ҳисобланади. Ишчи гурух йиғилишлари ишчи гурух аъзолари рўйхатдаги таркибининг камидан учдан икки қисми қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

3-боб. Тавсияномани бериш тартиби

15. Туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш бўлимлари ажратилган қўшимча қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома олиш мақсадида мурожаат этган хотин-қизларнинг хужжатларини мазкур Низомнинг 2-банди асосида ҳар йили 10 майга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш бошқармаларига тақдим этади.

Кўшимча қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этишга тавсиянома олиш мақсадида мурожаат этиш учун ариза шакли Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш бошқармалари қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этишга тавсия этилган хотин-қизлар тўғрисидаги хужжатларни ҳар йили 20 майга қадар Ишчи гурухга тақдим этади.

17. Ишчи гурух қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этишга тавсия этилган хотин-қизлар тўғрисидаги хужжатларни мазкур Низомнинг 2-бандида назарда тутилган мезонларга мувофиқлигини кўриб чиқади.

18. Ишчи гурух томонидан қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этишга тавсия этиладиган номзодлардан қуйидаги хужжатлар талаб этилади:

мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган мезонлардан бирини тасдиқловчи хужжатлар (иловаси билан);

маълумотнома-объективка;

умумий ўрта таълим ёки ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасидан маълумотнома;

паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхалари.

Мазкур бандда назарда тутилмаган бошқа хужжатларни тақдим этишини талаб қилиш тақиқланади.

19. Ишчи гурух тақдим этилган хужжатларни ҳар йили 5 июнга қадар кўриб чиқади.

Ишчи гурух йигилишининг якунлари бўйича баённома тузилади, ишчи гурух раҳбари ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлигининг муҳри билан тасдиқланади.

20. Ишчи гурух томонидан саралаб олиниб, қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этишга тавсия этилган хотин-қизларнинг рўйхати ҳар йили 15 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига тақдим этилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

21. Ишчи гурух қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этадиган хотин-қизларга тавсияномани ҳар йили 10 июнга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бошқармаларига етказиб беради, ўз навбатида, худудий бошқармалар ҳар йили 15 июнга қадар тавсияноманинг талабгорларга етказилишини таъминлайди.

4-боб. Олий таълим муассасасининг қабул комиссиясига талабгорларнинг хужжатларини қабул қилиш ва кириш имтиҳонларини топшириш тартиби

22. Тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар олий таълим муассасасининг қабул комиссиясига тақдим этиши лозим бўлган хужжатларга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги томонидан бериладиган тавсияномани тақдим этиши талаб этилади.

23. Тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар ҳар йили 15 июля қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг (кейинги ўринларда – Давлат тест маркази) абитуриентлар базасига киритилади.

24. Ўрганиш натижаларига кўра, тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар тоифасига кириши тасдиқланмаган шахслар қўшимча қабул кўрсаткичлари доирасида ўқишига қабул қилиш бўйича ўтказиладиган кириш имтиҳонларига (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) қўйилмайди.

25. Тавсияномага эга бўлган абитуриентларни қўшимча қабул кўрсаткичлари доирасида ўқишига қабул қилиш кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) натижаларига мувофиқ қабул қилинади.

26. Тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар учун кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) олий таълим муассасаларининг бакалавриатига қабул қилиш бўйича белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Кириш имтиҳонларида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 30 фоизидан кам бўлмаган балл тўплаган тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар баллар кетма-кетлигига қатъий риоя этилган ҳолда, қўшимча тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида талабаликка тавсия этилади.

27. Кўшимча қабул кўрсаткичлари доирасида талабаликка қабул қилинмаган тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар тўплаган баллари билан аббитуриент сифатида рўйхатдан ўтиш даврида танлаган таълим йўналишларида умумий тартибда танловда иштирок этади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

28. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

29. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат
гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида
хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома
бериш ва уларни ўқишига қабул қилишни ташкил этиш
тартиби тўғрисида низомга 1-илова

**Олий таълим муассасаларига хотин-қизларни қўшимча давлат
гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида
танловда иштирок этиши учун**

ТАВСИЯНОМА

<p>ТАВСИЯНОМА № АА 000000</p> <p>Ушбу тавсиянома фуқаро _____ га (Ф.И.О.) (<u> </u>) (паспорт серияси ва рақами)</p> <p>Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирининг 20__ йил __ “___” даги “___”-сон буйруғига асосан берилди.</p> <p>M.Ӯ. _____</p> <p>(мансадор шахснинг Ф.И.О., имзо)</p> <p>20__ йил “___” _____</p>	<p>ТАВСИЯНОМА № АА 000000</p> <p>Ушбу тавсиянома фуқаро _____ га (Ф.И.О.) (<u> </u>) (паспорт серияси ва рақами)</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20__ йил “___” _____ даги “___”-сон қарорига мувофиқ республика олий таълим муассасаларига умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан хотин-қизлар учун ажратилган қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун берилди.</p> <p>Тавсиянома Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирининг 20__ йил “___” _____ даги “___”-сон буйруғига асосан берилди.</p> <p>Тавсиянома расмийлаштириб берилган санадан эътиборан уч йил муддат давомида кучга эга бўлади.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги</p> <p>M.Ӯ. _____</p> <p>(мансадор шахснинг Ф.И.О., имзо)</p> <p>20__ йил “___” _____</p>
--	--

Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-кизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби
2-илова

**Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-кизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Амалга ошириш механизми	Субъект	Бажариш муддати
1-босқич	Тавсияномаларни бериш масаласини кўриб чиқиш учун Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг тегишли масалалар бўйича ўринбосаридан иборат таркибда Хотин-кизларга тавсиянома бериш бўйича ишчи гурӯх (кейинги ўринларда – Ишчи гурӯх) тузилади.	Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазирлиги	Ҳар йили февраль ойида
2-босқич	Туман (шаҳар) маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш бўлимлари республика олий таълим муассасаларига ажратилган қўшимча қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома олиш мақсадида мурожаат этган хотин-кизларнинг ҳужжатларини Қоракалпогистон Республикаси Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш бошқармаларига тақдим этади.	Туман (шаҳар) маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш бўлимлари	Ҳар йили 10 майга қадар
3-босқич	Қоракалпогистон Республикаси Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш бошқармалари ажратилган қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этишга тавсия этилган хотин-кизлар тўғрисидаги ҳужжатларни ишчи гурӯхга тақдим этади.	Қоракалпогистон Республикаси Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш бошқармалари	Ҳар йили 20 майга қадар
4-босқич	Ишчи гурӯх тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади. Ишчи гурӯх югилишининг якунлари бўйича баённома тузилади ва уларнинг раҳбари, аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазирлигининг муҳри билан тасдикланади.	Хотин-кизларга тавсиянома бериш бўйича ишчи гурӯхи	Ҳар йили 5 июня қадар
5-босқич	Ишчи гурӯх томонидан талабгорлар саралаб олиниб, қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этишга тавсия этилган хотин-кизларнинг рўйхати Давлат тест марказига тақдим этилади ҳамда Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазирлиги расмий веб-сайтида эълон қилинади.	Хотин-кизларга тавсиянома бериш бўйича ишчи гурӯхи, Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазирлиги	Ҳар йили 15 июня қадар
6-босқич	Ишчи гурӯх танловда иштирок этиш учун хотин-кизларга тавсияномаларни Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазирлигининг худудий бошқармаларига етказиб беради.	Хотин-кизларга тавсиянома бериш бўйича ишчи гурӯхи, Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазирлиги	Ҳар йили 10 июня қадар

7-боскич	Худудий бошқармалар тавсияномаларни талабгорларга етказилишини таъминлайди.	Қоракалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оиласи кўллаб-кувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оиласи кўллаб-кувватлаш бошқармалари	Ҳар йили 15 июняга қадар
8-боскич	Тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар олий таълим муассасасининг қабул комиссиясига тақдим этиши лозим бўлган хужжатларга қўшимча равища Маҳалла ва оиласи кўллаб-кувватлаш вазирлиги томонидан бериладиган тавсияномани тақдим этиши талаб этилади.	Олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари	Ҳар йили 15 июняндан 15 июлга қадар
9-боскич	Тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест марказининг абитуриентлар базасига киритилади.	Давлат тест маркази	Ҳар йили 15 июлга қадар

